

Муфтий бошчилигида Мўйноқда истисқо намози ўқилди



19:00 / 19.11.2018 2231

Шу йил 15–16 ноябрь кунлари Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифлари давомида берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, хизмат сафарида бўлиб турган муфтий Усмонхон Алимов 18 ноябрь куни Мўйноқ туманига ташриф буюрди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Матбуот хизмати [хабар берди](#).

Муфтий Мўйноқ туманидаги “Орол”, “Жайхун”, “Толли-ўзак”, “Мўйноқ”, “Дўстлик” маҳаллалари ва “Учсой”, “Мадели”, “Тик-узак”, “Бозатаў” овуллари аҳолиси билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди. Шунингдек, муфтий Ислом динининг асл моҳиятини сақлаган ҳолда ҳудудларда маърака-маросимларни динимизда кўрсатилган шаклда ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.



Усмонхон Алимов Мўйноқ туманининг энг олис ҳудудида жойлашган “Кемалар қабристони”да ҳам бўлиб, жонлиқ қурбонлик қилиниб, Орол денгизига сув қайтиши ва Парвардигордан серобчилик бўлишини сўраб, мўйсафид отахонлар билан истисқо намози адо этилди.



Маълумки, сув танқис бўлган пайтларда Аллоҳ таборака ва таолодан сув-ёмғир сўраб, ўқиладиган икки ракатли намозни Истисқо, дейилади. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кўп бор сувсизлик вақтида қиблага юзланиб дуо қилганлари, кейин эса имом бўлиб икки ракат намоз ўқиганлари ривоят қилинган. Истисқо намозини адо этиш учун шаҳардан ташқарига, саҳро жойларга чиқиш ҳам Набий алайҳиссалом тутган йўлдир.

Islom.uz портали таҳририяти